

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

Толибов Дилшод Сирожович

**АЛЬЦГЕЙМЕР КАСАЛЛИГИ ЭРТА БОСҚИЧЛАРИНИ
ТАШХИСОТИГА ЁНДОШИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ:
КЛИНИК- НЕЙРОВИЗУАЛИЗАЦИОН ПАРАЛЕЛЛАР**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Medical Sciences**

Толибов Дилшод Сирожович

Альцгеймер касаллиги эрта босқичларини ташхисотига ёндошишни
оптималлаштириш: клиник-нейровизуализацион паралеллар
..... 3

Толибов Дилшод Сирожович

Оптимизация подходов к диагностике ранних формы болезни
Альцгеймера: клинико-нейровизуализационные параллели
..... 23

Tolibov Dilshod Sirojovich

Optimization of approaches to diagnostics of early forms of Alzheimer's
disease: clinic-neurovisualization parallels
..... 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

ТОЛИБОВ ДИЛШОД СИРОЖОВИЧ

**АЛЬЦГЕЙМЕР КАСАЛЛИГИ ЭРТА БОСҚИЧЛАРИНИ
ТАШХИСОТИГА ЁНДОШИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ:
КЛИНИК- НЕЙРОВИЗУАЛИЗАЦИОН ПАРАЛЕЛЛАР**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib77 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Раҳимбаева Гульнора Саттаровна, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алимов Улуғбек Худоярович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: С.Д. Асфендияров номли Қозоғистон миллий тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

4

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон халқаро Альцгеймер касаллигига (АК) қарши курашиш федерациясининг (Alzheimer's Disease International-ADI) ўтказган изланишлари маълумотларига кўра, АК билан касалланиш кўрсаткичи 2010 йилда 36 миллион аҳолини ташкил этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг прогностик маълумотларга кўра, бу кўрсаткич ҳар 20 йилда 2 баравар ошади, яъни 2030 йилда 66 миллион аҳоли, 2050 йилда 115 миллион аҳолини касалланишини кўрсатади¹. АК бош миянинг ривожланиб боровчи нейродегенератив жараёни туфайли йиллар давомида когнитив вазифалар бузилишининг чуқурлашиб бориши натижаси ҳисобланади. АКнинг давомийлиги мия ҳужайралари нобуд бўлиши даражасига боғлиқ бўлиб, касаллик бошланган даврдан 3 йилдан 20 йилгача давом этиши мумкин.

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб инсон саломатлигига эътибор бериш, аҳолига сифатли тиббий хизматни ташкил этиш борасида кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Аҳоли саломатлигини яхшилашда хавф омилларини эрта аниқлаш орқали когнитив бузилишлар билан намоён бўлувчи касалликларини олдини олиш, самарали даволаш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Олиб борилган кенг қамровли тадбирларга қарамасдан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда муайян муаммолар мавжуд. Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегиясига² мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган, жумладан «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш» муҳим вазифалари белгиланган. Бу борада когнитив бузилишларга олиб келувчи АКни клиник олди босқичларида аниқлаш, аҳолининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, аҳоли касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва ҳаётининг давомийлиги узайишини таъминлаш тиббиётнинг долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида охириги ўн йилликда АК ташхисотида нейрохимик биомаркерларга алоҳида эътибор қаратилмоқда³. АКни эрта босқичларида, айниқса клиник олди босқичларида касаллик турли биомаркерларининг диагностик аниқлиги жуда паст ва невролог мутахассислари орасида

¹ Chan K.Y., Wang W., Wu J.J., Liu L., Theodoratou E., Car J. et al. Epidemiology of Alzheimer's disease and other forms of dementia in China, 1990-2010: a systematic review and analysis // Lancet. – 2013. – Vol. 381(9882). – P. 2016-2023.

²2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

³Бурбаева Г.Ш., Бошқа И.С., Терешкина Е.Б. и др. Роль глутаматдекарбоксилазы при болезни Альцгеймера //Журнал неврологии и психиатрии. – Москва, 2014. - №4. – С.68-72.

5

мунозарага сабаб бўлмоқда. АК биомаркерларини ўрганиш соҳасидаги изланишлар бу касаллик ташхисотида янги даврга йўл очиб бериш имконини беради. АКни прогнозлаш ва касаллик ривожланиши кўрсаткичларини намоён этишни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий тадқиқот маълумотларнинг натижаларига кўра дунё миқёсида учраган 47,5 миллион аҳолида кузатилган деменциянинг 60-70% ҳолатлари АКга тўғри келади. АК эрта ташхисотига касаллик ривожланиши хавф омилларини инобатга олиш, клиник белгиларини аниқлаш, неврологик статусни баҳолаш, лаборатор таҳлиллар ва бошқалар киради (Shaw L.M. et al, 2009). Охириги йилларда бу

касалликни эрта ташхислаш мақсадида АК нинг неврологик, биохимик ва генетик биомаркерларини фаол равишда аниқланмоқда. Хусусан, патологик жараённинг калит механизмига боғлиқ бўлган ликвор биомаркерлари аниқланган (Hampel H. et al, 2008; Jack S. et al, 2008). Ҳозирги даврда энг кўп диагностик потенциал 3 ликвор биомаркерлари: умумий тау-протеин, бета амилоид изоформлари ва фосфорилланган тау-протеиннинг турли эпитопларида тасдиқланган (Hampel H. et al, 2010).

Қонда АК биомаркерларни аниқлаш муаммоси ҳанузгача етарли даражада ўрганилмасдан қолмоқда, чунки қон мия билан бевосита алоқа қилмайди. Биоинформатика ва спектрометрия соҳасидаги изланишлар қон плазмани оқсилли таҳлилини юксалишига олиб келди. Протеинни идентификация қилувчи MALDI-qTOF ва ion-trap MS, 2D электрофорез ва бошқа техник усуллар АК мавжуд беморлар қонида бир қанча специфик протеинлар ошишини кўрсатди. Шулар қаторига CFH каби яллиғланиш медиаторлари, C3, C4 ва A2M комплементлар компонентлари киради (Zhang R. et al, 2004). Трансген сичқонларда ўтказилган тадқиқотлар АКни аниқлашда ёрдам берувчи кластерин, C1R комплемент компоненти, $\alpha 1$ -антитрипсин ва EGF рецептор каби оқсилларни намоён қилди (Thambisetty M. et al, 2010). Протеомикларни қўллаш фибриногеннинг оксидланган шакллари ва $\alpha 1$ -антитрипсин каби яллиғланишнинг оксидланиш маркерларининг олти баравар ошишини кўрсатди (Butterfield D.A. et al, 2009; Choi J. et al, 2002; Sultana R. et al, 2011). Яқин кунлардаги тадқиқотларда эса АК мавжуд беморлар қонида 18 та оқсил аниқланган (Кухарский М.С., 2013).

6

Бундай натижалар АК ташхисотида янги биомаркерлар очилишини тезлаштириши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотларга қарамасдан, хорижий адабиётларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам, АКни диагностик мезонлари ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Шунга мувофиқ, когнитив бузилишлар мавжуд ва бу бузилишлар ривожланиб АК га конверсия қилиш хавфи бор беморларни деменция олди босқичларида аниқлашга имконият яратувчи нейропсихологик, нейровизуализацион ва нейробиохимик текширувларининг комплекс усулларини такомиллаштириш бу патологияни эрта аниқлашга ёрдам беради ва янги диагностик имкониятларни очилишига имкон яратади. Бу мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттиришни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №01.11.00.158 «Альцгеймер касаллигини эрта диагностикаси ва прогнозлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш» илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Альцгеймер касаллиги мавжуд беморларни эрта босқичлари ташхисотига замонавий ёндошувларни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Альцгеймер касаллигининг эрта ва кечки босқичлари ҳамда қон-томир деменцияли сурункали мия ишемияси (СМИ) мавжуд беморларда клиник неврологик симптоматика ва олий нерв фаолияти ҳолатини аниқлаш;

Альцгеймер касаллигининг эрта ва кечки босқичлари ва қон-томир деменцияли СМИ мавжуд беморларда когнитив функциялар ҳолатини махсус нейropsихологик шкалалар (Хачинский, MMSE, Reisberg, CDR) орқали текшириш;

Альцгеймер касаллиги ва қон-томир деменцияли СМИ мавжуд беморларда бош миянинг структур-морфологик ҳолатини МРТ текширувлари билан исботлаш ва беморнинг субъектив белгилари билан корреляцион боғланишини аниқлаш;

Альцгеймер касаллигини эрта аниқлаш мақсадида беморлар қон зардобиде дегидроэпиандростерон-сульфат (ДГЭА-с) миқдорини аниқлаш ва уни скрининг диагностика сифатида баҳолаш;

Альцгеймер касаллиги эрта босқичлари ташхисотида диагностик мезонларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 40 ёшдан 90 ёшгача бўлган 52 та пресенил типли АК, 48 та сенил типли АК ҳамда қон томир деменцияли II-III босқичдаги бош мия сурункали ишемияси (СМИ) мавжуд 100 та бемор, ҳамда назорат гуруҳининг 30 та амалий соғлом шахслар кузатилди.

Тадқиқотнинг предмети: махсус нейropsихологик шкалалар, беморлар қон зардобиде, магнит-резонанс томограмма натижалари олинган. **Тадқиқот усуллари.** Диссертация тадқиқотлари клиник маълумотлар, анамнез, нейropsихологик шкалалардан (Хачинский ишемик шкаласи,

7

психик статусни баҳолашнинг қисқача шкаласи - Mini Mental State Examination, MMSE, деменциянинг клиник рейтинг шкаласи - Clinical Dementia Rating scale, CDR, умумий ўзгаришлар шкаласи - Global deterioration scale, GDS) иборат неврологик текширув, нейровизуализацион (бош мия МРТ си) текширув, беморлар қон зардобиде катализатор билан оксидланишдан олдинги ва кейинги дегидроэпиандростерон-сульфат (ДНЕА с, Fe²⁺-катализатор билан) миқдорий кўрсаткичларини аниқловчи иммунофермент таҳлил, статистик усуллари асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

АК мавжуд беморларда аниқланган гипо- ва амнезик ҳолатлар касаллигининг эрта босқичларидан ривожланиб, жадаллашиб бориши ҳамда уларни олий нерв фаолияти ўзгариши билан узвий боғлиқлиги исботланган;

АКда бош мия МРТ манзарасида ташқи гидроцефалия, пўстлоқдаги диффуз атрофия, чакка соҳаси медиал юзаси ва гиппокамп атрофияси кузатилиб, АКнинг кечки босқичларида нейродегенератив жараён кучайиб борган сари мазкур белгиларнинг чуқурлашиб бориши аниқланган;

ДГЭА-с биомаркерининг қондаги миқдорий кўрсаткичи АКни эрта

босқичларини ташхислашда аҳамиятли бўлиб, клиник белгилар сезиларли бўлмаган ҳолатда ҳам бу кўрсаткичлар АК хавфи мавжудлигидан дарак берган ва СМИда кузатиладиган когнитив бузилишларни таққослама ташхислашда роли исботланган;

АК ҳамда СМИ да когнитив бузилишларнинг нейропсихологик, нейровизуализацион ва лаборатор иммунофермент текширувлари кўрсаткичлари асосида эрта ташхисот мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагидан иборат:

клиник, нейровизуализацион ва иммунофермент усулларини комплекс қўлланилиши нейродегенератив жараёнга боғлиқ бўлган патологик жараённи дифференциаллаш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, клиник, инструментал, иммунофермент ва статистик текшириш усуллари асосида амалга оширилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, амалиётга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда қилинган муҳокамалар натижаларининг ишончилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дунёда АКни эрта ташхисоти илмий изланишлар предмети ҳисобланишига ҳамда нафақат симптоматик даво муолажаларини ўз вақтида бошлаш, балки касаллик ривожланиб борган сари бемор ва уларни қариндошларига ижтимоий-психологик қўллаб қувватлашни таъминлаш зарурлигига асосланади. АК узоқ муддатли ногиронлик кечиши, беморнинг даволаниши ва парвариши учун катта иқтисодий сарф-ҳаражатлар талаб этилиши билан характерланади. АК

8

мавжуд беморлар парвариши учун сарфланадиган умумий ҳаражатлар касалликнинг кечиши босқичига боғлиқ. АК оғир даражаси мавжуд беморлар парвариши сарф-ҳаражатларини кўплиги беморларни махсус муассасаларга ётқизиши билан боғлиқ. АК эрта босқичлари мавжуд беморларнинг асосий иқтисодий сарф-ҳаражати касалликни ўрта оғир ва оғир босқичларига ўтиш вақтига боғлиқ. АК ни эрта ташхисоти ва даволаш нафақат беморлар, балки давлат миқёсида маблағ тежамкорлигига, шунингдек беморлар ҳаёти сифати кўрсаткичларининг яхшиланишига имкон яратади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қон зардобидаги диагностик биомаркерни аниқлаш, намоён этилган кўрсаткичларни нейропсихологик шкалалар (Хачинский, MMSE, Reisberg, CDR) билан текшириш ҳамда нейровизуализацион усуллар билан биргаликда қўлланганда самараси юқорилигини (12%) изоҳлайди. Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ташхислаш жараёнини тадбиқ этиш билан АКни эрта аниқлаш ва прогнозлашни оптимиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. АКни эрта аниқлашда

янгича ёндашувлар тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида: когнитив бузилишлари мавжуд беморларни нейрпсихологик, нейровизуализацион, иммунофермент текширувлардан иборат бўлган комплекс текширувлар асосида «Альцгеймер касаллигининг эрта ташхисоти янги усулларини тадбиқ қилиш (альцгеймер типли пресенил деменция)» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 15 мартдаги №8Н-г/13-сон маълумотномаси), мазкур услубий тавсиянома АКни эрта аниқлаш ва ташхислашни такомиллаштириш имконини беради; АКни эрта аниқлаш ва дифференциал чора тадбирлари бўйича олинган натижалар Наманган вилояти 1-сонли Наманган шаҳар клиник шифохонаси ҳамда Тошкент шаҳри 7-сонли клиник шифохонаси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 15 мартдаги №8Н-г/13-сон маълумотномаси). Амалиётга жорий қилинган тавсиялар натижасида АКни эрта босқичларида ташхислаш, АК ривожланиши мумкин бўлган хавф гуруҳини аниқлаш, касалликларни кечиши ва оқибатини яхшилаш, беморлар ҳаёт тарзини узайтириш, беморларни шифохонага қайта ётқизирилишини 18 фоизга ва касаллик асоратларини 28 фоизга камайтириш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

9

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган маълумотларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган мақолалар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Альцгеймер касаллиги ҳақидаги замонавий**

тасаввурлар ва когнитив жараёнлар бузилишининг молекуляр асослари” деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда АК ривожланишининг асосий хавф омиллари таҳлил қилинган. АК ривожланишининг биохимик механизмлари ёритиб ўтилган. АК мавжуд беморларга клиник баҳо берилган. АК эрта ташхисоти муаммолари келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва текшириш услублари”** деб номланган иккинчи бобида ушбу ишда қўлланилган асосий текширув материал ва усуллари келтирилган. Проспектив текширувга когнитив ўзгаришлар мавжуд 200 бемор киритилган бўлиб, улар 3 гуруҳга ажратилди:

1-гуруҳга 65 ёшгача (ўртача ёш $57,3 \pm 0,75$) пресенил типдаги АК мавжуд бўлган 52 бемор киритилган (21 эркак (40,4%) ва 31 аёл (59,6%)) (ХКТ10- G30.0). Пресенил типдаги деменция гуруҳига киритилишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинди:

- АК мезонларига мос 40-65 ёшда учраган когнитив вазифаларнинг бузилиши;

- қуйидаги белгиларнинг ҳеч бўлмаганда биттасини учраши: - нисбий тез бошланиши ва ривожланиши; - хотира бузилиши билан бирга афазия (амнестик ёки сенсор), аграфия, алексия, акалькулия ёки апраксиянинг мавжудлиги.

2-гуруҳга 65 ёшдан катта бўлган (ўртача ёш $70,4 \pm 0,72$) сенил типдаги АК мавжуд бўлган 48 бемор киритилган (22 эркак (45,8%) ва 26 аёл (54,2%)) (ХКТ10- G30.1). Сенил типдаги деменция гуруҳига киритилишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинди:

- АК мезонларига мос 65 дан катта ёшда учраган когнитив вазифаларнинг бузилиши;

- қуйидаги белгиларнинг ҳеч бўлмаганда биттасини учраши: - жуда секин бошланиши ва ривожланиши; - хотира бузилишининг когнитив бузилишлардан устунлиги.


10

3-гуруҳ – шартли назорат гуруҳига 43 ёшдан 92 ёшгача бўлган (ўртача ёш $67,2 \pm 1,06$) қон томир деменцияли сурункали мия ишемияси (СМИ) ДЭ II III босқич мавжуд 100 та бемор (37 эркак (37%) ва 63 аёл (63%)) киритилган (ХКТ10 - F01.3). Қон-томир деменция гуруҳига киритилишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинди: стратегик майдонда жойлашган ягона ёки кўплаб инфракт, артериал гипертензия фонида майда қон томирларнинг зарарланиши, геморрагик инсульт сабабли турли ёшда кузатиладиган когнитив ўзгаришлар.

Тадқиқот натижалари жинси ва ёши бўйича (ўртача ёши $58,5 \pm 1,03$) мос келувчи 30 амалий соғлом шахслар (10 та эркак (33,3%) ва 20 та аёл (66,7%)) кирган назорат гуруҳи билан таққосланди. Назорат гуруҳига субъектив шикоятлари ва объектив неврологик симптоматикаси йўқ бўлган мезонлар

ҳисобга олинди.

келтирилган.



1-расм. Когнитив бузилишларга эга текширилган барча беморлар ва назорат гуруҳининг ёш ва жинсга мувофиқ тақсимланиши (%).

Барча беморларга стандарт методикага мос бўлган клиник-неврологик текширув усули қўлланилди. Когнитив дисфункцияни аниқлаш мақсадида махсус шкалалар (Хачинский, MMSE, CDR, Reisberg) қўлланилган нейропсихологик текширув усули қўлланилди.

Когнитив бузилишлар этиологияси, церебрал структура ҳолати, анатомик субстрат локализациясини аниқлаш мақсадида бош мия МРТ дан иборат бўлган нейровизуализацион текширув ўтказилди. Бунда 1,5 Тесла магнит майдони кучланишли очиқ типдаги «OPART» Toshiba аппаратидан фойдаланилди.

Беморлар қон зардобида АК биомаркерини аниқлаш мақсадида иммунологик текширув ўтказилди. Дегидроэпиандростерон сульфатни (ДГЕА-с) аниқлашда Immuno FA-DGEA-S иммунофермент текшируви тўпламидан фойдаланилди. Қон зардобида ДГЭА миқдори Fe²⁺ катализатори билан оксидланиш орқали оксидланишдан олдин ва кейинги миқдори таҳлил этилди ва таққосланди.

11

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили ўртача арифметик каталлик (M), ўртача арифметик каталлик хатолиги (m), чизикли корреляцион коэффициент (r), ишончлилик коэффициентидан иборат вариацион статистика усули ёрдамида ўтказилди. Ўртача фарқларнинг ишончлилиги ишонч интервали 95% бўлган ҳолда Стьюдент мезони бўйича баҳоланди ($p < 0,05$).

Диссертациянинг «**Альцгеймер типдаги нейродегенератив касалликлар мавжуд беморларнинг клиник характеристикаси**» деб номланган учинчи бобида АК ва СМИ мавжуд беморларнинг клиник неврологик ва нейропсихологик текширув натижалари келтириб ўтилган.

Клиник текширувда беморларда кузатилган шикоятлар натижалари 1-жадвалда келтирилган. Обьектив кўрикда альцгеймер типли беморларда ўзига хос “Альцгеймерча ҳайрон қолиш” (кўзнинг катта очилганлиги - 35%, ҳайрон қолиш мимикаси – 41%, кўзни кам пирпиратиш – 39%) намоён бўлди.

Когнитив бузилишлар мавжуд беморларнинг олий асаб фаолиятини текшириш натижалари 2-расмда келтирилган.

1-жадвал

Барча гуруҳларда беморларни шикоятларини текшириш натижалари

Беморнинг шикоятлари	Гуруҳлар					
	1-гуруҳ*		2-гуруҳ*		3-гуруҳ*	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
хотира пасайиши	48	92,3	48	100	75	75
уйку бузилиши	32	61,5	30	62,5	65	65
кайфиятни пасайиши	17	32,7	23	47,9	63	63
эмоционал лабиллик	21	40,3	16	33,3	76	76
иш қобилиятини пасайиши	26	50	46	95,8	61	61
диққат пастлиги	38	73	46	95,8	52	52
носистем бош айланиши	23	44,2	40	83,3	75	75
тез чарчаш	36	69,2	39	81,2	51	51
фикрларнинг номутаносиблиги	42	80,7	47	97,9	48	48
кўнгил айнаши	16	30,7	23	47,9	44	44
бошда шовқин	23	44,2	19	39,5	78	78
бош оғриғи	30	57,7	12	25	73	73
қўзғалувчанлик	24	46,1	11	22,9	46	46
АҚБ ошиб туриши	8	15,3	6	12,5	83	83
сийдикни тута олмаслик	6	11,5	35	72,9	42	42
мажбурий йиғи	5	9,6	9	18,8	51	51
мувозанат ва ҳаракат бузилишлари	9	17,3	38	79,1	46	46
*p<0,05						

1-гурӯх

2-расм. Барча гуруҳларда беморларда олий нерв фаолияти текшириш натижалари

Когнитив вазифаларни аниқроқ билиш учун махсус нейропсихологик шкалалардан (Хачинский, MMSE, CDR, Reisberg) фойдаланилди. Хачинский шкаласи қон-томир этиологияли когнитив бузилишларни дифференциациялаш учун қўлланилди ва беморларни нафақат симптом ва синдромлар орқали, балки ушбу шкала орқали гуруҳларга ажратиш имкониятини яратди. Текширув натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Когнитив вазифаларни Хачинский шкаласи орқали текшириш

Баллар йиғиндиси	Текширилувчиларни гуруҳларга тақсимланиши							
	1-гурӯх		2-гурӯх		3-гурӯх		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
	M±m		M±m		M±m		M±m	
≤ 4	45	22,5	40	20,0	-	-	85	42,5
	3,62±0,07		3,05±0,12		-		3,35±0,08	
4–7	7	3,5	8	4,0	-	-	15	7,5
	5,29±0,20		5,25±0,17		-		5,27±0,12	
≥ 7	-	-	-	-	100	50,0	100	50,0
	-		-		10,9±0,14		10,90±0,14	
Жами	52	26,0	48	24,0	100	50,0	200	100
	3,85±0,10		3,42±0,16		10,9±0,14		7,27±0,27	
Изоҳ: p<0,05								

2-жадвалдан кўриниб турибдики, 1-гурухдан 7 (3,5%) бемор ва 2-гурухдан 8 (4%) бемор 4 баллдан 7 баллгача тўплаб, оралик, яъни “кулранг майдон”да жойлашди, бунда эса Хачинский шкаласига кўра нейродегенератив жараён сабабини аниқлаш мавҳум бўлиб қолди. Бундан ташқари, Хачинский шкаласи бўйича “кулранг майдон”да жойлашган

13

беморларда деменция аралаш, яъни ҳам қон-томирли, ҳам нейродегенератив сабабли бўлиши мумкин. Бундай беморларнинг улуши умумий АК ни ҳисобга олганда 7,5% ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, Хачинский шкаласи АК ташҳисини қўйиш учун етарли эмас ва нейродегенератив жараён мавжуд беморларда ташҳисот аниқлигини ошириш учун қўшимча текширув усуллари қўллаш муҳимдир.

Когнитив бузилишлар даражаларини аниқлаш мақсадида беморларда MMSE шкаласи орқали текширув олиб борилди. MMSE шкаласи бўйича беморларда ҳар бир кўрсаткич бўйича текширув натижалари 3-жадвалда келтириб ўтилган.

3-жадвал

Когнитив вазифаларни MMSE шкаласи орқали текшириш

MMSE шкаласи бўйича когнитив вазифалар бузилиши даражалари	Текширилувчиларни гуруҳларга тақсимланиши									
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		3-гуруҳ		назорат гуруҳ		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
	M±m		M±m		M±m		M±m		M±m	
когнитив вазифалар бузилиши йўқ	-	-	-	-	-	-	30	13	30	13
	-		-		-		28,83±0,14			
когнитив бузилишлар	-	-	-	-	6	2,6	-	-	6	2,6
	-		-		24,67±0,37		-		24,67±0,37	
енгил даражали деменция	2	0,9	-	-	20	8,7	-	-	22	9,6
	20,50±0,50		-		21,55±0,25		-		21,55±0,25	
ўрта оғир даражали деменция	22	9,6	18	7,9	45	19,5	-	-	85	37,0
	13,18±0,39		12,33±0,3 7		14,16±0,30		-		13,58±0,22	

оғир деменция	28	12,2	30	13	29	12,6	-	-	87	37,8
	7,93±0,34		7,77±0,35		8,59±0,24		-		8,14±0,18	
Жами	52	22,7	48	20,9	100	43,4	30	13	230	100
	10,63±0,51		9,48±0,41				28,83±0,14		14,4±0,48	
Изоҳ: p<0,01										

3-жадвалдан кўришиб турганидек, когнитив бузилишларнинг бошланғич ҳодисалари 1- ва 3-гурuhlарда кузатилди. Назорат гуруҳида когнитив бузилишлар кузатилмади. Ҳамма текширилган беморларни кузатганимизда ўрта оғир ва оғир деменцияли беморлар сони кўп бўлди (мос равишда 37,0% ва 37,8%). Бу кўрсаткичлар когнитив бузилишларнинг эрта босқичлари ташхисланмаганлиги ҳақида далолат беради.

14

Когнитив вазифаларни текшириш учун қўлланилган кейинги текширув усулимиз деменциянинг клиник рейтинг шкаласи - Clinical Dementia Rating scale (CDR). Текширув натижалари 4-жадвалда келтириб ўтилган. **4-жадвал**

Когнитив вазифаларни CDR шкаласи орқали текшириш

CDR шкаласи бўйича деменцияни ривожланиш даражалари	Текширилувчиларни гуруҳларга тақсимланиши									
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		3-гуруҳ		назорат гуруҳ		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
деменция йўқ (CDR-0)	-	-	-	-	-	-	30	13	30	13
шубҳали деменция (CDR-0,5)	-	-	-	-	2	0,9	-	-	2	0,9
юмшоқ деменция (CDR-1)	16	7,1	1	0,5	24	10,4	-	-	41	18,0
ўрта оғир деменция (CDR-2)	18	7,8	17	7,4	45	19,5	-	-	80	34,7
оғир деменция (CDR-3)	18	7,8	30	13	29	12,6	-	-	77	33,4

Жами	52	22,7	48	20,9	100	43,4	30	13	230	100
Изоҳ: p<0,01										

CDR шкаласи ёрдамида текшириш орқали гуруҳлар бўйича балларнинг ўртача кўрсаткичлари аниқланди: 1-гуруҳ – 2,04±0,11, 2-гуруҳ - 2,60±0,08 ва 3-гуруҳ – 2,02±0,08 (p<0,01).

5-жадвал

Когнитив вазифаларни GDS шкаласи орқали текшириш

GDS шкаласи бўйича даражалар	Текширилувчиларни гуруҳларга тақсимланиши									
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		3-гуруҳ		назорат гуруҳ		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
1 – норма	-	-	-	-	-	-	30	13	30	13
2 – субъектив когнитив бузилишлар	-	-	-	-	8	3,5	-	-	8	3,5
3 – енгил когнитив бузилишлар	3	1,3	-	-	19	8,3	-	-	22	9,6
4 – ўртача когнитив бузилишлар	10	4,3	-	-	35	15,2	-	-	45	19,5
5 – ўрта оғир когнитив бузилишлар	11	4,8	7	3,3	13	5,4	-	-	31	13,5
6 – оғир когнитив бузилишлар	16	7,1	14	5,8	16	7,1	-	-	46	20
7 – ўта оғир когнитив бузилишлар	12	5,2	27	11,8	9	3,9	-	-	48	20,9
Жами	52	22,7	48	20,9	100	43,4	30	13	230	100
Изоҳ: p<0,01										

Гуруҳлардаги беморларни GDS шкаласи бўйича текшириш орқали 30 (13%) та беморда енгил когнитив бузилишлар ва 125 (54%) та беморда оғир когнитив бузилишлар аниқланди (5-жадвал). GDS шкаласи орқали текширганда гуруҳларда балларнинг ўртача кўрсаткичлари қуйидагилардан

иборат: 1-гурух – $5,46 \pm 0,17$, 2-гурух – $6,42 \pm 0,11$ ва 3-гурух – $4,37 \pm 0,14$ ($p < 0,01$).

Шундай қилиб, когнитив бузилишлар ташхиси клиник, неврологик ва нейропсихологик маълумотлар комплексига асосланиши керак. Шунингдек, қон-томир характерли когнитив бузилишларни аниқлашда касаллик анамнези, цереброваскуляр хавф омиллари мавжудлиги, касаллик кечиши характери, когнитив бузилишлар ва бош миянинг қон-томир патологияси юзага келиш вақтининг ўзаро боғлиқлиги катта роль ўйнайди. Дифференциал диагностиканинг энг йирик мураккаблиги АК нинг эрта босқичларида ташхис қўйишдан иборат, шунинг учун нейродегенератив жараёнларни эрта ташхислаш учун диагностик аҳамиятга эга бўлган биомаркерларни қўллаш орқали янги усулларни ишлаб чиқиш долзарбликни тақозо этади.

Диссертациянинг «**Альцгеймер типдаги ва томирли генезли деменцияда невровизуализацион бузилишларнинг хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобда АК ва қон-томир генезли СМИ да невровизуализацион ўзгаришлар келтирилган.

Когнитив ўзгаришлар мавжуд 86 та беморда этиологик омилни аниқлаш мақсадида МРТ текшируви ўтказилди. АК мавжуд беморларда ликвор бўшлиқларининг кенгайганлиги (95%) аниқланди, яъни ташқи (85%) ва ички гидроцефалия (78%) кузатилиб, бу белги атрофиянинг бевосита белгиси ҳисобланади. Ички гидроцефалия ён (79%) ва учинчи қоринчаларнинг (81%) кенгайиши кўринишида намоён бўлди. 7% ҳолатда тананинг, ён қоринчалар пешона ва энса қисмларининг ассиметрик кенгайиши, 28% ҳолатда тепа қисмининг ассиметрик кенгайиши кузатилди. Ташқи гидроцефалия эгат ва конвекситал субарахноидал майдонни кенгайиши (86%) билан намоён бўлди. Кўп ҳолатда Сильвий эгатини кенгайиши (73%), кам ҳолатда энса эгатларини кенгайиши (60%) кузатилди. Ҳеч қайси беморда тепа қисмини оқ моддаси, таламусда ўзгаришлар аниқланмади.

Пресенил типли АК МРТ си асосан гидроцефалия белгиларидан (92%) иборат бўлди. 16 та (53,3%) беморларда Сильвий ва тепа эгатларини, кам ҳолатда энса эгатларини патологик кенгайиши кузатилди. Ташқи гидроцефалия ички гидроцефалияга нисбатан яққол намоён бўлган. 9 та (30%) беморда пўстлоқ ости структураларда ўчоқли ўзгаришлар аниқланди. Улардан 4 та (13,3%) беморда ягона майда ўчоқлар, 5 тасида (16,7%) кўп ўчоқли ўзгаришлар аниқланди. Кўп ўчоқли ўзгаришлар мавжуд беморларда майда ягона ўчоқлар ҳам учради. Ягона ва кўп ўчоқларни пешона, тепа, чакка, энса ва пўстлоқ ости ядроларда учраш даражаси таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил натижалари 6-жадвалда келтирилган.

Пешона соҳасини кўп ўчоқли ўзгаришлар чап ($n=4$, 25%) ва ўнгда ($n=4$, 25%) бир хил даражада, ягона ўчоқлар кўпроқ ўнг томонда ($n=5$, 31,3%) чуқур оқ моддада аниқланган. Тепа соҳасида кўп ўчоқли зарарланишлар кўпроқ перивентрикуляр оқ моддада ($n=4$, 25%) жойлашган бўлиб, чуқур оқ моддадаги ўзгаришлар чап томонда ($n=1$, 6,3%) кўпроқ учради. Энса

соҳасидаги ўзгаришлар кўпроқ перивентрикуляр оқ моддада (n=5, 31,3%)

16

учради. Пўстлоқ ости ядроларда кўпроқ ягона ўчоқлар (n=4, 25%) ва чап томонлама ўзгаришлар (n=4, 25%) аниқланди.

6-жадвал

Пресенил типли АК мавжуд беморларда катта ярим шарлар ва пўстлоқ ости ядроларда ўчоқли ўзгаришларнинг учраш даражаси

Зарарланиш соҳаси		Зарарланиш тури			
		Ягона ўчоқлар		Кўп ўчоқли ўзгаришлар	
		абс.	%	абс.	%
Катта ярим шарлар	Пешона соҳаси	7	43,8	8	50,0
	Теча соҳаси	3	18,8	5	31,3
	Энса соҳаси	1	6,3	5	31,3
Пўстлоқ ости ядролари		4	25,0	1	6,3

Ўчоқли ўзгаришларни беморлар жинси билан таҳлили ўтказилди. Ягона ўчоқлар 2 эркак (пресенил типли АК мавжуд эркак жинсли жами беморларнинг 9,5%) ва 2 аёлда (пресенил типли АК мавжуд аёл жинсли жами беморларнинг 6,5%) кузатилди. Майда ўчоқли ўзгаришлар 2 эркак (пресенил типли АК мавжуд эркак жинсли жами беморларнинг 9,5%) ва 3 аёлда (пресенил типли АК мавжуд аёл жинсли жами беморларнинг 9,7%) кузатилди.

Пўстлоқ ости зарарланиши яққоллиги билан клиник белгилар (беморлар ёши, деменция оғирлик даражаси, артериал гипертензия) билан алоқаси таҳлил этилди. Ушбу корреляцион таҳлил натижаси 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Пресенил типли АК мавжуд беморлар гуруҳида корреляция коэффициенти (r) ва ишончлилик даражаси (p) кўрсаткичлари

Таҳлил этилаётган алоқа		r	p
Пўстлоқ ости структуралари зарарланишининг суммар баҳоси	Бемор ёши	0,21	0,032
	Деменция оғирлик даражаси	0,13	0,19
	АГ мавжудлиги	0,06	0,56

Гидроцефалия	Пўстлоқ ости структураларининг зарарланиши	0,036	0,71
	Когнитив функцияларнинг бузилиши	0,029	0,002
Изоҳ: $p < 0,05$			

7-жадвалдан кўришиб турибдики, пўстлоқ ости структуралари зарарланиши суммар баҳоси ва деменция оғирлик даражалари ҳамда артериал гипертензия билан корреляция аниқланмади. Аммо пўстлоқ ости структуралари зарарланиши ва бемор ёши ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланди. Гидроцефалия ва пўстлоқ ости зарарланиши, гидроцефалия ва деменция оғирлик даражалари таҳлил қилинганда пўстлоқ ости зарарланиши ва гидроцефалия орасида корреляция аниқланмади ($r=0,036$, $p=0,71$). Аммо

17

гидроцефалия яққоллиги ва когнитив функциялар ўзгариши орасида корреляция мавжуд бўлди ($r=0,029$, $p=0,002$).

24 бемордан иборат бўлган сенил типли АК мавжуд беморлар гуруҳида МРТ ўтказилганда, 8 та (33,3%) беморда фақат ташқи ва ички гидроцефалия аниқланди. Гидроцефалия кўрсаткичи 20-50 балл оралиғида бўлиб, ўртача $29,5 \pm 7,3$ кўрсаткични намоён этди. Гидроцефалия кўпроқ чакка, камроқ энса соҳасида кузатилди. Ташқи гидроцефалия ички гидроцефалияга нисбатан яққолроқ намоён бўлди. Қолган 16 та (66,7%) беморларда МРТ гидроцефалия ва пўстлоқ ости структураларини зарарланиши белгилари билан намоён бўлади. Ушбу беморларда гидроцефалия кўпроқ чакка қисмда, камроқ ҳолларда энса қисмида учради. Гидроцефалия кўрсаткичи 16-43 балл оралиғида бўлиб, ўртача $28,6 \pm 7,5$ кўрсаткични намоён этди. 4 та беморда (15%) бир ёки бир неча майдонда ягона майда ўчоқлар кузатилди. 11 та беморда (49%) эса бир ёки бир неча майдонда кўп ўчоқли ўзгаришлар кузатилди. Ягона ва кўп ўчоқларни пешона, тепа, чакка, энса ва пўстлоқ ости ядроларда учраш даражаси таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил натижалари 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Сенил типли АК мавжуд беморларда катта ярим шарлар ва пўстлоқ ости ядроларда ўчоқли ўзгаришларнинг учраш даражаси

Зарарланиш соҳаси	Зарарланиш тури			
	Ягона ўчоқлар		Кўп ўчоқли ўзгаришлар	
	абс.	%	абс.	%

Катта ярим шарлар	Пешона соҳаси	5	20,8	9	37,5
	Тепа соҳаси	8	33,4	9	37,5
	Энса соҳаси	5	20,8	7	29,1
Пўстлоқ ости ядролари		5	20,8	4	16,7

Кўп ўчоқли зараланиш тепа қисмининг оқ моддасида кўпроқ учради. Пешона қисмларида чуқур оқ моддасида, пешона, энса соҳаларида перивентрикуляр оқ моддасининг кўп ўчоқли зарарланиши кузатилди. Пўстлоқ ости ядроларида ягона ўчоқли ўзгаришлар кўпроқ ўнг томонлама, кўп ўчоқли ўзгаришлар кўпроқ чап томонлама кузатилди.

Ўчоқли зараланиш учраш даражасининг беморлар жинсига боғлиқлиги таҳлил этилди. Ягона ўчоқлар 3 та эркада (сенил типли АК мавжуд эркак жинсли жами беморларнинг 13,7%) ва 4 та аёлда (сенил типли АК мавжуд аёл жинсли жами беморларнинг 15,4%) кузатилди. Кўп ўчоқли ўзгаришлар 4 та эркада (сенил типли АК мавжуд эркак жинсли жами беморларнинг 18,2%) ва 5 та аёлда (сенил типли АК мавжуд аёл жинсли жами беморларнинг 19,2%) кузатилди.

Пўстлоқ ости зарарланиши яққоллиги билан клиник белгилар (беморлар ёши, деменция оғирлик даражаси, артериал гипертензия) билан алоқаси таҳлил этилди. Ушбу корреляцион таҳлил натижаси 9-жадвалда келтирилган.

18

9-жадвал

Сенил типли АК мавжуд беморлар гуруҳида корреляция коэффиценти (r) ва ишончлилик даражаси (p) кўрсаткичлари

Таҳлил этилаётган алоқа		r	p
